



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИСЛОҲАТЛАР

Ахадова Муштарибону Акмал қизи

Абдулла Авлоний номидаги педагогик

маҳорат миллий институти таянч докторанти

**Аннотация** Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг таълим тизимида инновацион ислоҳотларнинг ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган. Мақолада таълимни ривожлантиришда амалга оширилаётган давлат сиёсати, хусусан, "Ўзбекистон-2030" стратегияси доирасидаги ташабbusлар таҳлил қилинади. Олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини ошириш, инновацион marketing стратегияларидан фойдаланиш, замонавий технологиялар ва услубларни жорий қилиш масалалари муҳокама етилади. Шунингдек, мақолада инновацияларнинг мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига, юқори малакали кадрлар тайёрлашга қўшадиган ҳиссаси, шунингдек, инновацияларнинг иқтисодий ва илмий салоҳиятни мустаҳкамлашдаги роли ҳам ўрганилади.

**Калит сўзлар:** инновация, олий таълим, меҳнат бозори, бошқариш, реал сектор.

Жаҳон мамлакатларининг ривожланиш тенденцияларида таълим давлатнинг интеллектуал салоҳиятини яратиш воситаси ва фуқароларнинг ҳаётий фаровонлигини таъминлайдиган ресурс, алоҳида фирмалар ва умуман давлатнинг рақобатбардошлиги омили сифатида тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Таълим тизими ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг устувор, етакчи соҳасига айланиб, мамлакат иқтисодий ўсишининг кўрсаткичи ва катализаторига айланган. Таълим илмга асосланган билимлар иқтисодиёти ва бозор жамиятини шакллантиришга ёрдам бериб, мамлакатлар тараққиётини таъминлашнинг асосий катализатори сифатида майдонга чиқади. Ушбу ҳолатлар таълим хизматлари бозорини самарали ташкил этиш ва бошқаришга қаратилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш талабини қўяди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030» Стратегияси тўғрисида»ги Фармонида “олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, корхона — олийгоҳ — илмий ташкилот кластер тизимини жорий этиш, илмий тадқиқотларни ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш” каби йўналишлар бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинган. Сўнгти йилларда олий таълим тизимини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш ва таълим сифатини ошириш мақсадида қўйилган вазифалар доирасида кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илфор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси» таълим тизимида таълим беришни таълим олувчига йўналтирилган концепция асосида ташкил этишга қаратилган. Ушбу ҳолатлар таълим беришни таълим олувчига йўналтирилган маркетинг концепциялари асосида ташкил этиш таълим муассасаларини рақобатбардошлигини ошириш ва янги имкониятлардан фойдаланишга қаратилган маркетинг стратегияларидан фойдаланишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадларига мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибадорлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш каби йўналишлар долзарб ҳисобланади. Шу жиҳатларни инобатта олганда, олий таълим

муассасаларининг инновацион бошқариш методологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Инновациялар барча иқтисодий субъектларнинг ишлаб чиқариш ва тижорат муаммоларини ҳал қилиш воситаси сифатида ишлайди. Иккинчисининг қизиқиши инновацион фаолиятнинг якуний натижаларидан таъсирнинг улушкини олиш истаги билан боғлик, кўпинча инновацияларни амалга оширишдан келажакдаги фойданинг улуси, аммо таъсир бошқа шаклда ҳам бўлиши мумкин.

Инновацион жараён-иктисодиёт субъектлари томонидан илмий-техник, ташкилий, бошқарув ва бошқа янгиликларни яратиш, тарқатиш ва истеъмол қилиш жараёни иқтисодиётни ва умуман жамиятни модернизация қилиш жараёнининг асосий мазмуни ҳисобланади.

Илмий-техника тараққиёти нуқтаи назаридан бугунги кунда турли мамлакатлар миллий иқтисодиётининг тўрт босқичли тармоқ бўлинмаси шаклланган:

- ҳом ашёни қазиб олиш ва бирламчи қайта ишлаш тармоқлари;
- анъанавий оғир (моддий ва меҳнат талаб қиласиган) саноат тармоқлари;
- юқори технологияли тармоқлар (high Tech), нисбатан паст моддий ва меҳнат зичлиги билан ажралиб туради, лекин қўшилган қийматда илмий-тадқиқот ва ишланмалар харажатларининг жуда юқори улуси;
- дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, тизим интеграцияси, консалтинг ва таълим каби «юмшоқ» (soft) технологиялар (хизматлар) соҳалари.[1]

Иқтисодиёти янги, билимга асосланган иқтисодиётга эга мамлакатларда иқтисодиётнинг тармоқ тузилмаси саноатнинг охирги икки гурӯҳи улушкининг доимий ўсишига қараб ўзгариб боради. [2]

Замонавий миллий инновацион тизим — бу инновациялар ривожланишини таъминловчи ташкилий, қонунчилик, таркибий ва функционал компонентлар йиғиндисидир. Ўзбекистон миллий инновацион тизими шаклланиш босқичида

ва инновацион фаолиятни амалга ошириш учун барча зарур асосий элементларга эга мамлакатлардан биридир.[3] Ўзбекистоннинг катта устунлиги – аҳолининг умумий маълумот даражаси ва илмий салоҳиятнинг мавжудлигидир. Ўзбекистон саводхонлик даражаси бўйича дунёнинг ривожланган давлатлари билан бир қаторда туради. Мустақилликдан кейинги даврларда республикада илмий, илмий-техникавий ва инновацион салоҳиятни сақлаш ва ривожлантириш борасида мақсадли ишлар ва кўплаб ислоҳотлар амалга оширилган. Жумладан, фанни бошқариш тизими такомиллаштириш, илмий ва инновацион фаолиятнинг қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий базасини замонавий асосда кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, академия ва университетлар фаолиятларини тизимлаштириш ва қайта ташкил этиш чора-тадбирлари кўрилган. Шунингдек, ишлаб чиқаришда инновациялар даражасини ошириш, ахборот-инновацион инфратузилмани, фан талаб қилувчи корхоналарни, юқори технологиялар мажмуасини ривожлантиришга юқори аҳамият берилган. Илмий-техника ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги инновацияларни рағбатлантириш чоралари кўрилган.

Инновацион фаолиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи кўплаб омиллар мавжуд, улар орасида молиявий ресурсларнинг тақчиллиги, янги технологиилар тўғрисида маълумотларнинг этишмаслиги, инновацион инфратузилманинг ривожланмаганлиги, янгиликларнинг юқори нархи, инновацион товарлар ва хизматларга талабнинг пастлиги, юқори иқтисодий хавф, малакали ходимларнинг этишмаслиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

### Хулоса сифатида

1. Концепциянинг асосий ижтимоий-иктисодий натижалари Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши учун иқтисодий, хуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни таъминловчи самарали миллий инновацион тизими яратиш;

2. Республика иқтисодиётини технологик модернизация қилишни таъминловчи илмий-тадқиқот ва ишланмаларнинг мувозанатли ва рақобатбардош секторини шакллантириш;

3. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган инновацион маҳсулотлар улушини кенгайтириш;
4. МДҲ салоҳиятини юқори малакали мутахассислар ва илмий кадрлар билан мустаҳкамлаш;
5. Инвестицияларни, шу жумладан хорижий капитални устувор инновацион лойиҳаларга жалб қилиш;
6. Тадбиркорлик мухитининг инновацион салоҳиятини фаоллаштириш;
7. Инновацияларга тўсқинлик қилувчи омиллар ва шароитларни доимий равишда аниқлаш ва мониторинг қилиш жараёнини ташкил этиш;
8. Иқтисодиётнинг Реал сектори тармоқларида, шунингдек инновацион жараённинг фаоллашишига боғлиқ бўлган фаолиятнинг бошқа соҳаларида асосий воситаларнинг янгиланишини тезлаштириш.

Ўзбекистон Республикасида инновацион иқтисодиётни ривожланиш даражасига эришиш учун олий таълим хизматлари соҳаси ҳам мутаносиб ривожлантириш талаба этилади. Бундай жараёнда таълим нафакат миқдорий, балки сифат жиҳатидан ҳам ривожланиши ва таълим сифатида халқаро андозаларга мослаштирилиши лозим. Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари орасида таълимни ривожлантириш имкониятлари бўйича ўзига хос бўлган драйверларга эга бўлиб, тарихий шаклланган анъаналар, ёшларни илмга ва таълим олишга бўлган иштиёқининг юқорилиги асосий омиллар ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Галаган А. Университеты в региональных экономических и правленческих структурах США, стран Западной Европы и Японии – М.: НИИВШ- 1995.
2. Арзакова О.Н., Агаркова Г.А., Кормышев В.М. Управление финансовыми ресурсами государственного вуза в рыночных условиях. // <http://www/ustu.ru>
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги «Кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим хизматлари ва маркетинги бозорини жадал шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 48-сон қарори.